

Тураев Аббар Салоҳиддинович  
Жиззах ДПИ Ижтимоий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси

## АҚШНИНГ ЯҚИН ШАРҚДАГИ НЕОКОНСЕРВАТИВ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ИСЛОМ ОМИЛИ

**Аннотация.** АҚШнинг ташқи сиёсати, хусусан, Яқин Шарқ минтақасидаги ташқи сиёсий фаолияти муайян даврларда неоконсерватив гояларга асосланади. Мазкур мақолада неоконсерватив қараишлар тизимида ислом динига бўлган муносабат, неоконсерватив концепциялар ижросида ислом омили, АҚШ неоконсерватив ташқи сиёсатида исломий давлатлар ва халқаро терроризм, АҚШ-Исроил муносабатларига ислом динининг таъсири каби масалаларга эътибор қаратилган.

**Аннотация.** Внешняя политика США, в частности внешнеполитическая деятельность ближневосточного региона, в определенное время строится на неоконсервативных идеях. В данной статье акцентируется внимание на таких вопросах, как отношение к религии Ислам в системе неоконсервативных видений, исламский фактор в реализации неоконсервативных сопряжений, влияние исламских государств и международного терроризма, американо-израильские отношения во внешней политике неоконсерваторов.

**Annotation.** The foreign policy of the United States, in particular the foreign policy activities of the Middle East region, is based on neoconservative ideas at certain times. This article focuses attention on issues such as the relationship to the religion of Islam in the system of neoconservativ visions, the Islamic factor in the implementation of neoconservative conjugations, the influence of Islamic States and international terrorism, the US-Israeli relations in the foreign policy of neoconservatives.

**Калим сўзлар:** неоконсерватизм, неоконсерватив ташқи сиёсат, АҚШнинг Яқин Шарқдаги ташқи сиёсати, жаҳон сиёсатида ислом омили, сиёсий ислом, исломизм.

**Ключевые слова:** неоконсерватизм, неоконсервативной внешней политики, внешняя политика США на Ближнем Востоке, исламский фактор в мировой политике, политический ислам, исламизм.

**Key words:** neoconservatism, neoconservative foreign policy, US foreign policy in the Middle East, Islamic factor in world politics, political Islam, Islamism.

Давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва маданий соҳадаги ислохотлар, аввало бутун дунё тан олаётган ва умуминсоний қадриятлар сифатида намоён

бўлаётган тамойиллар асосига қурилмоқда. Аммо, бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар солсак, турли ғаразли мақсадларни кўзловчи, тор доирадаги гуруҳлар эҳтиёжларига йўналтирилган мафкуравий таъсирлар кўлами ҳам ортган. Бундай таъсирлар баъзан дин омили билан боғланмоқда.

Замонавий геосиёсий тадқиқотларда дин омилига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки кўпгина сиёсий тарангликлар, иқтисодий беқарорлик ва ҳарбий тўнашувлар бевосита дин билан боғлиқ бўлиб қолмоқда ёки дин билан боғлиқ эканлиги “ўқтирилмоқда”. Кишилиқ жамияти ривож шунини кўрсатадики, дунёдаги бирор бир дин қарама-қаршилик, ёвузлик ва инсониятга қарши ғояларни намоён қилмайди. Аммо тарихан кўпгина низо ва қарама-қаршиликларнинг келиб чиқиши дин омили билан боғланади. Бугунги замонавий даврда ҳам турли “ақлий марказлар”, таниқли сиёсатшунос ва хаттоки йирик давлатлар расмий сиёсати даражасида ҳам дин ички ва ташқи сиёсий манфаатлар ижросида муҳим ўринга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар учун дин восита бўлиб хизмат қилмоқда. Муайян давлатлар сиёсий тизимларида мустаҳкам ўринга эга бўлган мафкуравий оқимлар, хусусан, замонавий неоконсерватизм, ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига кучли таъсир кўрсатиб, дин омилдан самарали фойдаланишга эътибор қаратилади. Бу борада АҚШнинг неоконсерватив ташқи сиёсий доктринаси ва неоконсерватив амалиёт жараёнларига эътибор қаратишни тақозо этади.

АҚШ неоконсерваторлари Яқин Шарқдаги ташқи сиёсат борасида ўзларининг кучли позициясига эга эканлиги, миллий манфаатлар ижросида кескин қарорлар қабул қилишга чақириқлари билан ажралиб туради. АҚШ неоконсерваторлари “нодемократик” минтақаларда либерал-демократик тузумларни ўрнатиш, демократлаштириш жараёнларини тезлаштириш, замонавий демократик тамойилларга зид келувчи анъана ва қадриятлардан “тозалаш”га зўр бериб ўринишади. АҚШ неоконсерватив қарашларининг жозибадорлиги ҳам айнан демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёндашувларида кўринади.

АҚШда Республикачилар ҳукумати ҳокимият бошқарувини амалга ошириш давларида неоконсерватив қарашларнинг устунлиги ва ижроси кузатилади. Мазкур амалиёт натижаларидан келиб чиқилганда, неоконсерватизмнинг ташқи сиёсий концепцияси қуйидаги бир қатор муҳим ғоялар билан характерланишини кўриш мумкин: - глобал манфаатлар кўламида АҚШнинг гиперимперия сифатида тан олинishi; - АҚШ ҳукмронлигининг ўрнатилиши; - халқаро институтларга ишончсизлик ва дунёни ўз қоидалари асосида бир томонлама ўзгартириш; - ташқи сиёсатда унilaterизм; - “Америка учун нима яхши бўлса, бошқалар учун ҳам яхшидир” ғоясига асосланган

либерал инқилобни амалга ошириш; - дунёни демократия ва авторитаризм ўртасидаги урушлар майдони сифатида оқ-қора тасвирлаш. Бунда АҚШ миллий манфаатларининг ахлоқан асосланганлигига таяниш [6, с.45].

Умуман, АҚШ неоконсерваторларининг Яқин Шарқ минтақасидаги ташқи сиёсий қарашларида ислом дини, Исроил давлати ва иқтисодий манфаатдорлик каби омилларнинг узвий боғлиқ эканлиги намоён бўлади.

Дунёнинг 127 давлатида эътиқод қилувчи 1.5 млрд.га (христианликдан кейинги иккинчи ўринда) яқин инсонлар ислом динига эътиқод қилишади. XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларига келиб дунёда исломга эътиқод қилувчилар сонининг кўпайиши тенденцияси кузатилди. Бугунги кунда ҳам кўпгина христиан жамиятлари тобора исломлашиб бораётганлиги борасида маълумотлар берилмоқда. Бу тенденция баъзи тадқиқотларда исломнинг қайта жонлаши сифатида эътироф этилмоқда.

Ғарб давлатларида, айниқса АҚШда исломнинг қайта жонланиши Яқин Шарқдаги сиёсий барқарорликка таҳдид сифатидаги омил деб тушунилади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ислом жамиятларида кузатилган ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жараёнлар, ислом аъаналарига қайтишни тарғиб қилувчи оқимлар таъсирининг ортиши глобал миқёсдаги ислом инқилоб таҳдиди кўрқувини ва янада ғарб дунёсида тарихий илдизларга эга бўлган исломофобиянинг ортишига сабаб бўлди. Айнан шу ҳодисалардан кейин ғарб оммавий ахборот воситаларида кенг қамровли ислом таҳдиди тушунчаси юритила бошлади. Бу каби ташвиқот руҳидаги олиб борилган илмий ишлар муаллифлар ишларида ислом ҳаракатлари томонидан уюштирилган халқаро йирик ҳодисалар ривожига таҳлили, христиан ва ислом маданиятлари тўқнашуви яқинлашиб келаётгани ҳақидаги бахслар акс эта бошлади [4]. Хусусан, таниқли назарийчи С.Хантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви” муқаррар эканлигига бутун жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди.

Ғарб ва айниқса АҚШда исломни радикал исломизм деб тушуниш Эрондаги ислом инқилоби, Американинг терроризм баҳонасида 1986-йилда Ливия ерларини бомбардимон қилиши, ундан икки йил олдин эса худди шундай ҳодиса Байрутда бўлган ҳодисалар билан боғлиқ. Америкаликлар ислом фундаментализмини 1945 йилдан сўнг Шарқ ва Ғарб қарама-қаршилиги каби омил сифатида қарашади. Улар учун ислом фундаментализм хавфи коммунизм хавфи билан тенг қаралади [4, б.14-15].

1990 йилларнинг бошига келиб АҚШ ўзининг иқтисодий, технологик, маданий ва ҳарбий қудрати билан дунёда ягона қудратли давлатга айланди. АҚШ сиёсий доиралари кун тартибида қуйидаги дилемма юзага келди: ёки ўзининг ҳарбий кучлари имкониятларини қисқартириш эвазига мамлакат ички ҳаётида демократияни янада яхшилаш билан шуғулланиш, Ж.Кирпатрик

айтганидек, “меъёрий – нормал мамлакат”га айланиш ёки барча кучларни “геосиёсий бўшлиқни тўлдириш”, янги душманлар топиш ва дунё ҳукмронлигига даъвогарлик қилиш [6,с.45]. Бу давр неоконсерваторлар талқинида “бир қутблилик вазият”и бўлиб, улкан углеводород манбаларига эга бўлган минтақалар, хусусан, Яқин Шарқдаги ҳаётий муҳим манфаатлар ижроси учун қулай шароит юзага келган эди. Классик стратег ва геополитиклар анъаналаридан фойдаланиш борасида қатор неоконсерватив қарашлар, концепциялар таклиф этила бошланди. Неоконсерватизмнинг таниқли назарийчиларидан бири, “неоконсерватизм патриархи” Н.Подгорец (Америка яҳудий комитети асос солган “Комментарий” журналы ношири) ўз ишларида бутун мусулмон оламини қайта шакллантиришнинг неоконсерватив асосларини изоҳлайди. Янги тарихий кураш сифатида исломга қарши “Салиб юриши” ва исломни рад этиш “яхши” ва “ёвуз” ўртасидаги курашга чақириқ сифатида намоён бўлди. Ва бунда у **“исломафашизм”**<sup>1</sup> тушунчасини қўллаш орқали унга қарши кураш коммунизм ва нацизмга қарши кураш билан алмашилиш зарурлигини таъкидлайди [3].

Экстремизмга шунчаки бўёқ берилмай, балки муайян сиёсий кучлар ундан фойдаланган ҳолда, Ғарбда янги “душман образи”ни яратиш ва шу асосда Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлар ва “антитеррор урушлари”ни юритишнинг америкача усуллари оқлашга интиладилар. Жумладан, америкалик неоконсерватив эксперт Даниел Пайпс ўзининг “исломизм – бу фашизм” каби баёнотлари билан машхур.

Шу ўринда АҚШ неоконсерваторлари қарашларида ислом дини ва исломизм умумлаштириб юборилишини кузатиш мумкин. Ислом динига эътиқод қилувчи ҳар қандай “тартиббузар”, “қонунбузар” ва ислом жамияти аъзоси радикал сифатида гавдалантирилади. Ислом жамиятларидаги тарихан таркиб топган тартиботлар фундаментализм сифатида намоён этилади.

Таниқли сиёсатшунос олим, профессор Ш.Ёвқочев тадқиқотларида акс этганидек, исломнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга доимий таъсир кўрсатиши ислом эътиқодини ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги билан изоҳланади. Унга кўра, динийлик ва дунёвийликка аниқ бўлиниш йўқ. “Исломизм” диний ҳаракатдан кўра кўпроқ сиёсий ҳаракатлар тусини олган ва уларнинг намоёндалари ҳеч қандай дин қонун-қоидаларини ўзгартириш, янгилаш каби фикрлардан йироқдир. Уларнинг асосий талаби давлат қурилишидаги исломга мос келмайдиган мавжуд амалий сиёсат режимидаги бош мафкурани инкор этиб, диннинг жамият ҳаёти ўрнидаги роли ва ўрнини ўзгартиришни талаб этади. Улар бутун кучларини жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий

---

<sup>1</sup> О‘з даврида АҚШ президенти J.Bush tomonidan «islamofashizm» sifatida tilga olingan (Qarang.: Yovqochev Sh. Jahon siyosatida islom omili. T. TDSHI, 2016)

тизимларни қамраб олган барча тузумларни тубдан ислоҳ қилиш нафақат мусулмон давлатларида, балки бутун жаҳон миқёсида амалга оширишни ўзларига мақсад қилиб олган [4, б.13]. Ваҳоланки, бугунги мусулмон жамиятлари аъзоларининг аксарият кўпчилиги бундай қарашлар тарафдорлари эмас.

Шу билан бирга АҚШ неоконсерваторларининг Яқин Шарқ минтақасини демократлаштириш ёндашувларининг яна бир муҳим жиҳати минтақадаги исломий ташкилотларга бўлган муносабатидир. Бизга маълумки, 9/11 воқеаларигача минтақани демократлаштириш ва ислом экстремизми АҚШ миллий хавфсизлигининг асосий йўналиши сифатида эътироф этилмас эди. Исломий ташкилотларга бўлган муносабат 9/11 воқеаларидан кейин кескин ўзгарди. Мўътадил исломий қарашларга эга бўлган ташкилотларнинг минтақа давлатлари сиёсий бошқарувида иштирокига бўлган муносабат ҳам турлича талқин этила бошланди. Вашингтон Яқин Шарқ Институтининг эксперти М.Крамер барча исломий ташкилотларни фундаменталист ва демократияга қарши ташкилотлар сифатида баҳолайди[1, р.35-42]. Яна бир неоконсерваторлар тарафдори Д.Пайпснинг таъкидлашича, исломий гуруҳларнинг сиёсий иштирокини таъминлаш душманга ёрдам бериш ҳисобланади.

Барча неоконсерватив руҳдаги тадқиқот марказларидаги исломий ташкилотларга бўлган муносабатнинг яқдиллигини уларнинг кўпчилиги Исроил манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган ҳаракат сифатида баҳолашга асос бўлмоқда. Хусусан, Д.Фридманнинг тан олишича, АҚШнинг мақсади шунчаки ислом оламини бузиш, бир-бирига қарама-қарши қилиш орқали бошқа ҳеч қачон ислом империясининг пайдо бўлишига йўл қўймаслиқдир[7, р.15]. АҚШ неоконсерватизми борасида чуқур изланишлар олиб бораётган россиялик олим К.Блохин Яқин Шарқни қайта шакллантириш ғояси АҚШдаги таъсирчан яҳудийлик лоббистлари томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, АҚШнинг Катта Яқин Шарқ ишларига аралашувининг муҳим сабабларидан бири минтақада АҚШнинг асосий геосиёсий ҳамкори – Исроил давлати хавфсизлигидир [6, с.48].

АҚШ неоконсерваторлари ҳамда Исроил лоббистлари манфаатлари муштараклиги Исроилнинг давлат сифатида мавжудлигини таъминлаш заруратини англашга ундайди. Бу минтақадаги Исроилга хавф солаётган Ироқ, Эрон, Сурия ва Ливия каби давлатларни кучсизлантириш, тузумини ўзгартиришга бўлган чақириқларни ҳам кучайтиради.

СССР парчалангач АҚШ неоконсерваторлари учун “янги душман” сифатида ислом эътироф этилди. 1990 йиллар давомида АҚШ неоконсерваторлари президент Б.Клинтон ва Исроил бош вазири



Б.Нетаньяхуларга Саддам Хусейн режими билан янада қатъийроқ куч механизмлари билан қарши туришга чақирилган қатор хатларни тақдим этишди[5, с.141].

Назарий жиҳатдан АҚШ неоконсерваторлари томонидан қўллаб-қувватланаётган бир кутблилик ғояси сионизм<sup>2</sup> билан узвий боғлиқликка эга эмас, аммо амалиётда уларнинг бирлашуви сезилади. Хусусан, бир кутбли дунё тартиботининг кўпчилик тарафдорлари яҳудий неоконсерваторлар ҳисобланиб, Исроилни қўллаб-қувватлаш АҚШ сиёсати манфаатларига тўлиқ жавоб беришига бўлган кучли ишончни кенг тарғиб қилишади. Бундай мафкурачилар сирасига П.Вулфовиц, Р.Перл, Н.Подгорец, Краутхаммер, Бут ва Каплан каби назарийчиларни, шу билан бирга АҚШ Республикачилар бошқаруви даврларида, ҳукумат, Пентагон ва Давлат департаменти даражаларида муҳим бошқарув ва давлат маслаҳати тизимларида фаолият юритган ўнлаб неоконсерваторларни киритиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги 1976 йилда асос солинган Яҳудий миллий хавфсизлик институтида фаол иш олиб боришган бўлиб, Сурия ва Фаластин масалаларида қатъий чоралар кўриш тарафдорлари бўлишган[2, р.196].

АҚШнинг мусулмон мамлакатларини демократлаштириш тўғрисидаги баёнотларини (кичик Ж.Буш президентлиги даврида) таниқли сиёсатшунос З.Бжезинский қўллаб-қувватласа-да, этиёткорликка чорлайди. Ҳар қандай иш мутаассиблар қўлида тескари натижа бериши мумкин. Ўрта асрларда мўминлик ва ҳамдадлик билан суғорилган дин инквизация даҳшатини яратди. Гильотина француз инқилобининг “озодлик, тенглик ва биродарлик” тимсолига айланди. Социализм идеаллари ноинсоний ленинизм-стализм қиёфасида қайта туғилгани сабаб ўтган асрда одамзодга мисли қўрилмаган уқубатлар келтирди.

Демократияни илгари суриш мутаассибларча тиришқоқлик билан, исломнинг тарихий ва маданий анъаналарини ҳисобга олмай киришилса, бу демократия ғоясининг ўзини инкор этилишига олиб келиш мумкин. Айрим ислом давлатлари, айниқса, Туркия, шунингдек, Марокаш ва Эрон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократлаштириш ёт кучлар томонидан догматик тарзда тикиштирилмасдан узвий ривожланиш натижаси бўлса, ислом жамияти аста-секин демократиянинг сиёсий маданиятини қабул қилади, деб таъкидлайди таниқли сиёсатшунос З.Бжезинский [8, б.111-113].

Умуман, таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШ неоконсерваторлари томонидан илгари сурилган ташқи сиёсий стратегияларда ислом омилига бир томонлама - манипуляцион ёндашувга асосланмоқда. Масалан, кўпчилик неоконсерваторлар учун Яқин Шарқдаги давлатларни модернизация қилиш

---

<sup>2</sup> Сионизм - яҳудийларнинг тарихий ватанларига қайтиши ва у ерда ўз давлатини ташкил этиш мафкурасидир.

ғоялари негизида асосий муаммоли масала тузумнинг нодемократик эканлиги эмас, балки мамлакатлар раҳбарлари ва сиёсий элитасининг АҚШ манфаатларига қанчалик жавоб беришидир. Бундан ташқари, кучли “исломофобия” исломий жамиятларнинг яққаланишини таъминлайди. Турли иқтисодий жазо чораларидан ҳадиксировчи исломий жамиятлар ўзаро яқин интеграцион муносабатларни ўрнатиши қийин кечади. Араб оламида кучли етакчи давлатнинг йўқлиги ҳамда араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳада кучли интеграциялашувининг мавжуд эмаслиги ушбу мамлакатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришлари имкониятларини пасайтириб юборади. Бу ўз навбатида кучли ён берувчи сиёсий - ҳарбий ҳамкорлар топишни тақозо этади. Хусусан, Яқин Шарқ минтақаларига тааллуқли бўлмаган иттифокчиларга, биринчи навбатда АҚШга кучли боғланганини заруратини келтириб чиқаради.

Шу билан бирга АҚШ неоконсерваторлари томонидан кенг тарғибот қилинган минтақани демократлаштириш ташқи сиёсий стратегияси натижаларига эътибор қаратилса, сўнги йилларда Яқин Шарқ давлатларида бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра миллий менталитет ва анъаналар, миллий қадриятлар асосида ривожланиб келаётган жамиятларда замонавий “ғарб” анъаналарига асосланган сиёсий ислохотлар давлатларнинг сиёсий барқарорлигига жиддий таҳдид бўлиб кўринмоқда. Муайян жамиятлардаги тарихий, ижтимоий-маданий фарқларни эътибордан четда қолдириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини исботламоқда. Сўнги ўн йилликлардаги Фаластин, Ироқ, Ливан, Миср каби давлатлардаги сиёсий ислохотлар, хусусан, ҳокимиятга исломчиларнинг келиши, аввало неоконсерваторлар интилган демократик жараёнлар, минтақани демократик қайта шакллантириш натижаларини олиб келмади. Шу билан бирга демократик ислохотларни сунъий тезлаштириш ва андозалаштириб бўлмаслигини исботламоқда. Агар неоконсерватив манфаатлар нуқтаи назаридан қаралганди, аввалги тузумлар ҳозиргилари(исломчилар)дан кўпроқ ишончли ва манфаатлироқ бўлишган.

2005 йилнинг октябрь ойида АҚШдаги Никсон марказида бўлиб ўтган “АҚШ исломчиларни қўллаб-қуватлаши керакми?” [9,р.1-2] номли мулоқотда неоконсерватив қарашлар тарафдори Д.Пайпс Яқин Шарқ мамлакатларида ўтказилаётган демократик сайловлар натижалари борасида фикр билдирар экан, Мисрдаги парламент сайловларида юқори натижани қўлга киритган исломчи “Мусулмон биродарлари” каби радикал диний ташкилотлар иштирокида ғарб моделидаги сайловлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас, мусулмон давлатларида босқичма-босқич демократик ўзгаришларни амалга ошириш, демократияни узоқ, секин ва маслаҳатли ўрганиш керак. Исломизм таъсири

кучайиб турган жамиятда демократияни ривожлантириш керак эмас. Уни инкор этиш эса ислом ҳаракатларининг ғалаба қозонишига замин яратиши мумкин”, деб таъкидлайди. АҚШ неоконсерватизми тарафдорлари, назариётчилари ташаббуслари бугунги кунда салбий натижаларни, биринчи навбатда, жаҳон ҳамжамиятининг АҚШга бўлган салбий муносабати, демократик етакчилик имижининг пасайишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга жаҳон ҳамжамияти ҳам шуни яхши тушуниши керакки, АҚШнинг дунё сиёсатидаги ўрни, либерал–демократик ғоялар тарғиботчиси, демократик давлатчилик борасидаги улкан тажриба ва амалиёти, шахс эркинлиги ва озодлик ҳимоячиси сифатидаги мақоми барча демократик ривожланиш йўлидан кетаётган давлатлар учун намуна бўла олади. АҚШ давлат бошқаруви ва ташқи сиёсатида неоконсерватив оқим таъсири юқори бўлган даврларда амалга оширилган неоконсерватив сиёсий амалиёт ва у билан боғлиқ салбий натижалар бутун Америка халқининг манфаатлари ва орзу интилишларини ифода этмайди. Шу жумладан, неоконсерваторларнинг ислом дини борасидаги қарашлари ҳам АҚШ давлатининг ислом динига нисбатан қатъий позицияси эмас. Давлатлараро муносабатлар, стратегик муҳим минтақалардаги геосиёсий мақсадлар ва уларни таъминлашга қаратилган сиёсий чора-тадбирлар ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатида у ёки бу даражада белгиланади. Кучлар баланси ва манфаатлар мутаносиблиги учун кураш ҳар қандай мустақил давлат учун меъёрлашган ёндашувдир. Бундай тартибларни бир томонлама бузиш, тор доирадаги манфаатларни устун қўйишга қаратилган сиёсий мафкуралар халқаро тизим барқарорлигига жиддий таъсир ўтказди. Шу боис АҚШ неоконсерватизмининг кейинги амалиёти борасида жиддий изланишлар олиб бориш, кучли халқаро институционал ва меъёрий иммунитетни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

1. Martin Kramer. “Islam vs. Democracy.”Commentary, January 1993.
2. Dorrien G. Imperial designs. Neoconservatism and New Pax Americana. New York – London. 2004.
3. Podhoretz N. World Warr IV. The long Struggle against Islamofascism. New York: Doubleday, 2007.
4. Yovqochev Sh. Jahon siyosatida islom omili. T. TDSHI, 2016.
5. Бжезинский З. Ещё один шанс. Три президента и кризис американской сверхдержавы. М., 2007.
6. Блохин К. Американский неоконсерватизм – идеология слабеющего гегемония // Проблемы национальной стратегии. №3(42).2017.
7. Фридман Д. Следующие 100 лет: прогноз событий XXI века. М., 2010.
8. Бжезинский З. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. Москва, “Международные отношения”, 2007 // Эркаев А. Уч жиҳатдан туташ уч асар // Тафаккур.
9. Should the United States Support Islamists? A Debate with R.M.Gerecht and D.Pipes//Program Brief. A Publication of the NixonCenter. – The Nixon Center, – Washington D.C., 2005.